

ҲОЖИ МЕНГНАЗАР РУСТАМ ЎҒЛИ



# ТАБОБАТ АЗИЗ ЖОННИ АСРАЙДИ

*Еттинчи китоб*



ТОШКЕНТ  
«CHASHMA PRINT»  
2010

Ҳожи Менгназар Рустам ўғли «Дард борки, дармон бор» (1,2,3-китоблар), «Аёл дард кўрмасин», «Дардингни табибдан яширма», «Бемор умидвор бўлур» каби рисолалари орқали китобхонга яхши таниш. Унинг «Табобат азиз жонни асрайди» рисоласи олдинги тўпламларнинг мантикий давоми ва тўлдирувчисидир.

Рисолада инсонларнинг сиҳат-саломатликларини асраш ва баъзи бемор кишиларнинг дардларига дармон бўлиш мақсадида кўплаб тавсиялар берилган. Ушбу тавсияларни ҳар ким ўзича қўлламаздан, илм соҳасида донишманд, олим ва устоз бўлган табиби ҳозик маслаҳати билан қўллаши мақсадга мувофиқдир.

*Наширга тайёрловчи ва масъул муҳаррир*

**Мирзо КЕНЖАБЕК**

*Махсус муҳаррирлар.*

**Бахтиёр Эсонов,  
Шавкат Рустамов**

ISBN 978-9943-350-35-9

© Менгназар Ҳожи Рустам ўғли, 2010.

© «Chashma Print» МЧЖ нашриёти, 2010.

# І БОБ. ЖИГАР ВА БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ

---



## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Жигарда мизож касалликлари, таркиб касалликлари, шиш ва каварчиқлар пайдо бўлиши мумкин. Улар жигар пардаси яқинида пайдо бўлиб, қорин бўшлиғига қараб ёрилади, яна улардан бошқа касалликлар ҳам пайдо бўлади. Йиртилишидан ўлим хавфи туғилмайди, лекин катта томирдан қон оқса, ёмон натижага олиб келади.

Гоҳо жигарда ҳамкорлик сабабли, айниқса талок, меъда, ўт қопи, буйрак, кўкрак – қорин тўсиғи, ўпка, ичаклар, айниқса юқори ичакнинг ҳамкорлиги сабабли ҳам касалликлар пайдо бўлади. Меъда, талок, ўт қопи ва ичаклар билан ҳамкорликка келсак, бунда дастлаб уларга жигар чуқурлигига ёндошиб турган томирлар ҳамкорлик қилади, кейин унинг зарари жигарга бориб етади. Шу билан бирга ҳазм бузилади, яъни истеъмол қилинган овқат ҳазм бўлмай ҳайдалиб кетади. Жигар дўнглигидаги касалликларнинг моддалари кўпинча, пешоб орқали, бурун қонаши ва тер билан ҳайдалиб чиқади. Жигар чуқурлигидаги касалликларнинг моддалари эса ич суриш, сафро ва қон қусиш, шунингдек, кўпинча тер билан ҳайдалиб чиқади.

Сув ичиш билан босилмайдиган қаттиқ ташналик, иштаҳанинг камлиги, алангаланиш, пешобнинг сариқлиги ва рангдорлиги, томир уришининг тез ва кетма-кетлиги, иситмалар, эт ва қоннинг куйганлиги, иссиқ нарсалардан азиятланиш бузилган иссиқ мизожга далолат қилади. Бундан кейин ич эриб, олдин турли хилтлар, кейин жигар ўти, кейин ичаклар шилиниб ўтади.



Гоҳо бу хил мизожда қовурғаларда оғриқ бўлиб, баъзан оғриқ бўлмасдан ич кетади. Бемор сарик, қизил ва кўкиш рангда қайт қилиш мумкин. Ўтсимон ич кетиш кўпаяди. Қон камаяди, тил қуриши содир бўлади ва бадан озади. Гоҳо бундай мизожга кишининг одатидан, ёшидан, ҳунаридан ва кўллаган тадбирдан белги олинади.

Иссиқ бузуқ мизожнинг ўртачаси сафро туғдиради, ҳаддан ташқариси савдо ва савдодан бўладиган меланхолия, жиннилик ва шунга ўхшаш беморликларни келтириб чиқаради. Иштаҳа пасайиши билан бирга гўшт ювилган сув каби ич ўта бошласа, кўпинча мизож иссиқлигига далил бўлади.

Бундай мизожда кўпинча ахлат қуруқ ва қуйинди бўлиб ўтади, лекин мизож иссиқлиги қон хилтларини ва жигар этини қуйдириш ва уларни суриб юбориш даражасига етса, бундай ҳолат тўхтайд.

Иссиқлик қонни қуйдирса, ахлат шароб чўкмасига ўхшаш бўлади. Агар жигарда қуйиш ёки шиш, ёки йирингли шиш бўлиб, сўнгра ахлат билан бирга қора қуюқ нарса чиқса, бу жигарнинг сасиган эти бўлади.

Бироқ ахлат билан чиққан ҳар бир қора нарса ёмон белги бўлавермайди. Баъзан ич вабо теккан кишилардаги сингари гўшт ювиладиган сув ва яра зардобга ўхшаб суюқ ўтади, кейин ахлат қуюлади ва қорайиб бадбўй бўлади. Гоҳо ич зардобсимон ўтгандан кейин қонга айланади, сўнгра суюқ савдо ўтади.



## ЖИГАРНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА

Жигарнинг соғлиғини мос нарса билан сақлаш, беморлигини зид нарса билан қайтариш, унинг шишлари ва яраларини даволаш, етган зарарларни қайтариш, тикилмаларни очиш ва булардан бошқа тадбирлар, бошқа аъзоларга ҳам зарур бўладиган муолажалар билан қилиниши керак.



Жигар касалликларида, айниқса тиқилмалар ва шунга ўхшаш сабаблардан бўлган касалликларда дори ичиришнинг энг яхши вақти меъдадан жигарга ўтиб, ундан пайдо бўлган нарса ҳазм бўлади ва жигардан ажралиши зарур нарсалар ажралади, деб тахмин қилинадиган вақтдир. Шу ҳолат билан овқат ейиш ўртасида анчагина вақт ўтиши керак. Одатда, бу вақт кечки уйқудан тургандан кейин ва иссиқ сувда ювинишдан олдинги вақтдир. Бундан ташқари жигарни даволашда ишлатиладиган тарқатувчи ва очувчи дориларнинг буриштирувчи ва кучайтирувчи нарсалардан холи бўлмаслиги керак, лекин ҳаддан ташқари қуритиб юбориши гумон қилинса, улар қўшилмайди. Имконияти борича жигарни жуда кўп совутиш керак эмас, бу истиско касалликка олиб келади, жуда иситиш ҳам керак эмас, бу жигарнинг сўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун даволанаётган жигар табиий мизожнинг миқдорини билиш керак. Жигар табиий мизожига қайтарилгач, даволаш тўхтатилади.

Агар жигарни даволашда хато қилинса, касаллик аввал томирларга, кейин баданга ўтади. Касаллик жигарнинг чуқурлигида бўлиб, сурги зарур бўлган жойда пешобни ҳайдаш ёки касаллик жигар дўнгида бўлиб пешобни юргизиш керак бўлган жойда сурги бериш яъни ични суриш катта хатодир.

Жигарга ишлатиладиган дориларни майин қилиб янчиш керак. Дорилар хоҳ иссиқ, хоҳ совуқ, хоҳ буриштирувчи бўлсин, барибир улар жигарга бориб етиши учун жавҳари латиф бўлиши зарур.

Суюлтирувчи дорилар ичилса, улар қонни ўткир қилиб юборади, бу нарсани кўзда тутиш керак. Маълум ўсимлик илдизлари сув очувчи ва суюлтирувчи дорилар жумласидан бўлиб, улар гоҳо жигарда турли хилтларни туғдиради. Шундай бўлгач, уларни икки ёки уч кун кетма-кет ичгандан кейин кетидан ич юмшатувчи дорилардан бериш керак.



Пешобни ҳайдашга келадиган бўлсак, буни ўсимлик илдизлари қайнатмасининг суви бажаради. Сачратқининг ҳамма тури, айниқса, унинг чўлда ўсадиган аччиқ хили ва иссиқликка яқин бўлган жигар оғриқларига фойда беради. Иссиқ мизожли кишиларга сачратқини исканжубин билан, совуқ мизожларга эса асал суви билан берилади.

### **Давоси:**

1. 500 грамм сачратқини 1 сутка 5 литр сувда ивитиб, эртаси 20 минут қайнатиб, оч ҳолда 3 маҳал 50 граммдан ичилса, фойда қилади.

2. Исканжубин қайнатмасига 4 литр сачратқи суви, қўшиб 20 минут қайнатиб, оч ҳолда 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, совуқ мизожларга фойда қилади.

3. 200 грамм исириқ талқонини 15 кун оч ҳолда 3 маҳал ярим чой қошиқдан капалаб, орқасидан қайнаган сув ичилса, совуқ мизожли кишиларга фойда қилади.

4. Ярим сиқим таратезак баргини оч ҳолда 20 кун 3 маҳал чойнакка ташлаб, 10 минут дамлаб, чой қилиб ичилса, совуқ мизожли кишиларга яхши фойда қилади.

5. Алоэ сувига тенг баравар асал қўшиб, 3 маҳал оч ҳолда ичилса, иссиқ ва совуқ мизожларга бегумон фойда қилади.

6. Пақ-пақни 20 кун 3 маҳал куюқ чой қилиб ичилса, пешобни ҳайдайди, жигар фаолиятини яхшилайди.

7. Долчин қайнатмасини оч ҳолда 3 маҳал 25 кун 2 ош қошиқдан ичилса, яхши фойда қилади.

8. Губбак дарахти пўстлоқ қайнатмасини оч ҳолда 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, беморга фойда қилади, асоратсиз тузалади.



## **ЖИГАР КИЧИКЛИГИНИ ДАВОЛАШ**

Айрим кишиларнинг жигари кичик бўлиб, баъзан ҳажми буйракдек бўлади. Жигари кичик бўлган киши ўзига керакли



овқатни еса, жигар сиғдирмайди ва меъда жигарга ўзидан юборган нарсага, жигар торлик қилади. Натижада, тиқилма ва тортишувчи оғир оғриқлар пайдо қилади. Яна бу ҳол жигар фаолиятини сусайтиради, чунки жигарнинг ишловчи қуввати ўз устига келиб тушган ишловчи нарсанинг қуввати тагида босилиб қолади ва ҳазм, тутиш, ажратиш ва ҳайдаш ишларининг соғлом ҳолатига ҳалал етади. Гоҳо шулардан ич бузилиш ва ич кетиши давом этади, чунки тоза кайлусининг кўп қисми жигарга тортилмайди.

### **Белгилари:**

Жигарнинг кичиклигига унда тиқилмалар пайдо бўлиши ва елнинг кўплиги, овқатга эҳтиёж далолат қилади. Мўътадил миқдордаги овқат ҳам оғирлик қилади, овқатга эҳтиёж кўплигидан бадан кучсизлашади. Ҳазм доимо кучсиз бўлади, тиқилмалар ва шишлар кўпаяди. Бармоқларнинг қискалиги ҳам жигарнинг кичиклигини кўрсатувчи белгилардандир.

Бадани овқатдан тегишли ҳиссани олмайдиган ва гавдаси деярли ўсиб кўтарилмайдиган бир киши бор эди. Жолинус у кишини жигарининг ичи ва йўллари тор яратилганлигини тахмин қилиб, ўшандай ҳолларда ишлатиладиган тадбирни кўллади. Ундай кишилар миқдори оз, озиклиги кўп ва тез ўтадиган овқатлар билан даволанади. Овқатлар бир неча марта бўлиб истеъмол қилинади. Пешоб ҳайдовчи, жигарни тозаловчи, суюлтирувчи ва очувчи дорилар истеъмол қилинади.

### **Давоси:**

1. Зарчўба талқонини 15 кун 3 маҳал оч ҳолда ярим чой қошиқдан капалаб, орқасидан қайнаган сув ичилса, бегумон фойда қилади.

2. Маккаи сано талқонини 1 маҳал 1 ош қошиқдан капалаб орқасидан қайнаган сув ичилса, ичдаги дам ва ел 4-5 соатда тузалади.

3. Мисвок қайнатмасини оч ҳолда 10 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, фойда қилади.





## ЖИГАР ТИҚИЛМАЛАРИНИ ДАВОЛАШ

Тиқилмалар гоҳо жигарнинг гўштида уни озиклантирадиган қоннинг қуюқлиги сабабли ёки ҳайдовчи қувватнинг кучсизлиги ёки тортувчи қувватнинг кучлилиги сабабли пайдо бўлади. Баъзан тиқилма жигардаги томирда уларнинг торлиги сабабли ёки ўша томирларнинг бужмайиши ва шунга ўхшаш ҳолатидан ёки уларнинг яратилишида буралиб қолганидан ёки ўша томирларда юрадиган хилтдан пайдо бўлади. Шу кейинги хил тиқилма кўпинча «Қопқа» томирларининг шохобчаларида бўлади, чунки тиқилма пайдо қилувчи модда ўша шохобчаларга, кейин улардан сузилиб ва чўкмасини қолдириб, кўтарилувчи томир шохобчаларининг оғизларига боради. Шунинг учун тиқилмалар, кўпинча жигарнинг чуқурлик томонида бўлади. Баъзан иш жигар дўнглигида тиқилмалар пайдо бўлишигача етиб боради.

Жигарда тиқилмалар кўпайиб, узоқ вақтгача чўзилса, истма пайдо қиладиган истисқо (цирроз)га олиб келадиган шишларга ва қаттиқ оғриқ пайдо қиладиган елларнинг туғилишига бориб етади. Гўё тиқилмалар жигар касалликларининг «оналари»дир.

Тиқилма пайдо қилувчи модда қуюқлиги, ёпишқоқлиги ёки тўлиқлиги сабабли тўсувчи хилт пайдо бўлади ёки тиқилмани шиш ёки ел ёки бужмайтирувчи бирон кайфият пайдо қилади. Жигарда эт ёки сўгал ўсади. Унда қуюқ хилтдан бошқа бир нарса тўхтаб қолади, дейиш ақлдан узоқ, у жуда кам бўлади. Чунки томирларнинг оғизлари асабга бой бўлиб, улардан бирон нарса ўтмайди. Яна уларнинг сони кўп, башарти бирортасида эт ўсса, бу нарса бошқаларига таъсир қилмайди. Тиқилма пайдо қилишдаги таъсир этувчи омил бузилган иссиқ ёки совуқ мизож ёки жигарнинг ўзида туғилган ё унга сиртдан кирган, масалан, ҳаво ва бошқа нарсалар сабабли хазм, ажратиш ва ҳайдалишнинг кучсизлигидан иборатдир.





Таъсирга учрайдиган нарса, яъни тикилма пайдо қиладиган модда эса ейилган ғализ гўштлар, айниқса, кесак, шунингдек кўмир, ва кўзиқорин каби бузук иштаҳада истеъмол қилинадиган нарсалар, нокнинг айрим хиллари, дўлана ва шунга ўхшаш нарсалардан иборат.

Бу баъзан иссиқ ва ғализ бўлади шунда у тикилма пайдо қилади. Юқорида биз ёпишқоқ буғдой каби айрим нарсалар ғализ бўлиб, жигарда хазм бўлгач, кейинги аъзоларга нисбатан ғализ бўлмайди, дедик. Кўпинча табиатнинг ўзи тикилма пайдо қилувчи моддаларни ҳайдашга кучи етади ёки унга ёрдам беради. Агар тикилма жигарнинг чуқурлик томонида бўлса, модда ахлат билан бирга, унинг дўнглик томонида бўлса, пешоб билан бирга чиқариб ташланади. Шунда турли ғализ хилтлар юзага чиқади.

### **Белгилари:**

Тикилмалар белгиларининг хулосаси жигарнинг кайлусни тормаслигидир кайлус жигарга томон йўл топа олмайди, ёки жигардаги тортувчи қувватга зарар етиб, икки ҳолатнинг юз бериши лозим бўлади. Уларнинг бири жигарга ҳайдайдиган нарсага, иккинчиси жигарда тўхталиб қоладиган нарсага боғлиқ. У суюқ қилусга ўхшаш ва кўп бўлади. Суюқлигининг сабаби шуки, сувсимон ва соф қисми жигарга томон йўл топмайди. Кайлусга ўхшашлигининг сабаби эса жигар ҳали уни ишлаб кайлусдан қонга айлантиришга улгура олмаслиги бўлади. Кўплигининг сабаби чўкма бўлиб, ахлат томонига ҳайдаладиган нарсага ўтиб, кўп қисми қонга айланадиган, бир қисми сувга, айрим қисми сафрога ва бир қисми савдога ажраладиган модда қўшилишидир. Шуларнинг ҳаммаси ахлатга айланиб, чиқадиган нарсага қўшилади, натижада ҳайдаладиган нарса кўпайиб қолади.

Жигарда тўхталиб қоладиган нарсадаги ҳолатга келганда шуни айтиш керакки, жигар томонидан оғирлик сезилиб туради, чунки жигарга ҳайдалаётган кайлус бошқа томонга



хайдалишдан олдин келса, уни тўлдиради ва бошқасини жигарга ўтишига тўсқинлик қилади, натижада жигар оғирлашади.

Агар кайлус ахлат орқали бўлса ҳам, ҳайдалмаса, қандай оғирлик сезилишини айтиб ўтиш керак эмас. Оғирлик жигар шишида ҳам бўлади, лекин жигарда шиш бўлса, оғирлик шишли томондагина бўлиб, кўп ва жуда кучли бўлмайди. Лекин шишнинг оғирлиги каттиқроқ бўлади. Бошқа бир сабаб билан бирлашадиган тикилмаларда эса кўп оғриқ бўлмайди, оғриқ бўлса ҳам иситма бўлмайди. Жигарда шиш борлиги, пешоб ва ахлат томонидан чиқадиган нарсалар ва шишлар ҳақида юқорида айтиб ўтилган. Жигарда тикилмалар бўлган кишининг қони кам ва ранги бузуқ бўлади. Жигарида ел бўлса, бунга оғирлик билан бирга кўчиб юрувчи тортишиш далолат қилади. Буришиш сабабли бўладиган тикилма жуда буриштирувчи бўлади, бунга яна баданда кўриниб турган куруклик ҳам белги бўлади. Гоҳо жигар тикилмалари сабаб нафас олиш ҳам қийинлашади, чунки нафас аъзолари жигарга ҳамкорлик қилади.

Жигар тикилмаларини даволашда тозаловчи дориларга ва заруриятга қараб ични мўътадил даражада юргизадиган ёки пешоб ҳайдовчи дориларга эҳтиёж сезилади. Тикилмалар жигарнинг чуқурлик томонида бўлганда, ични юргизувчи дори ишлатилади, дўнглик томонда бўлганда эса пешоб ҳайдовчи дори ишлатилади. Булардан олдин очувчи, парчаловчи ва тозаловчи дорилардан истеъмол қилинади.

### **Давоси:**

1. 500 грамм сачратқи илдизини 5 литр сувда 30 минут қайнатиб, 12 кун 3 маҳал оч ҳолда 2 ош қошиқдан ичилса, қориндаги елларни ҳайдайди.

2. Арпабодиённинг 30 граммини 4 литр сувда 20 минут қайнатиб, 15 кун оч ҳолда 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, жигар шишига фойда қилади.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/946> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/946> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/946>